

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БОЛАЛАР ЁШИДАГИ АҲОЛИ ОРАСИДА КЎРУВ АЪЗОСИ ЖАРОҲАТЛАРИ

Мадалов Н.И.¹, Агзамова С.С.²

¹Офтальможарроҳ, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали, Drnajimiddinmadalov@gmail.com, +998(97)3976816

²Тиббиёт фанлари доктори, Офтальмология кафедраси доценти, Тошкент давлат стоматология институти, sara2408@yandex.ru, +998(90)9501315, <https://orcid.org/0000-0003-3829-7762>

Аннотация. Долзарблиги. Кўрув аъзоси ва унинг қўшимча қисмининг шикастланиши билан боғлиқ бўлган юз скелети жароҳатлари орасида орбита жароҳатлари 13-36% ни эгаллайди. Кўз жароҳатларининг 53 % гача сонини кўз олмаси контузиялари ташкил этади. Оғир контузион жароҳат клиник кўринишларининг қўплиги билан тавсифланади, бу эса кўз олмасининг олдинги ва орқа қисмларида қўпол ўзгаришларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. **Тадқиқот мақсади.** Самарқанд вилоятида болалар кўрув аъзоларида учрайдиган жароҳатларни таҳлилини ўтказиш эди. **Материал ва усуллар.** Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий амалий тиббиёт маркази (РИКМИАТМ) Самарқанд филиали жароҳатлар бўлимида 2021-2022 йилларда шифохона шароитда ётиб даволанган беморлар тиббий хужжалари таҳлили ўтказилди. **Натижалар ва хулоса.** 2021-2022 йиллар давомида Самарқанд вилоятида туман ва шаҳарларида ҳамда РИКМИАТМ Самарқанд филиали шошилиш тез тиббий ёрдам бўлимига, 47 612 нафар бемор кўз ва ёндош аппарати жароҳатлари билан мурожаат қилган, шулардан 4580 нафари (9.61%) болаларни ташкил қилди. Туман ва шаҳарлардан йулланма берилган, РИКМИАТМ Самарқанд филиалида офтальмолог томонидан тўлиқ текширишлардан ўтказилиб стационар шароитда даволанишга ётқизилган болалар жами 48 нафарни ташкил этган.

Калит сўзи: Кўрув аъзоси шикастланишлари, офтальмотравматизм, жароҳатлар, контузия, куйишлар, олдини олиш.

Иқтибос учун:

Мадалов Н.И., Агзамова С.С. Самарқанд вилояти болалар ёшидаги аҳоли орасида кўрув аъзоси жароҳатлари. Илғор Офтальмология. 2024; 9(3):36-39.

ТРАВМЫ ОРГАНА ЗРЕНИЯ СРЕДИ ДЕТСКОГО НАСЕЛЕНИЯ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ

Мадалов Н.И.¹, Агзамова С.С.²

¹Офтальмохирург, Самаркандский филиал Республиканского специализированного научно-практического центра микрохирургии глаза, Drnajimiddinmadalov@gmail.com

²Доктор медицинских наук, доцент кафедры Офтальмологии, Ташкентский государственный стоматологический институт, sara2408@yandex.ru, +998(90)9501315, <https://orcid.org/0000-0003-3829-7762>

Аннотация. Актуальность. Травмы орбиты занимают 13-36% повреждений лицевого скелета, связанных с повреждением органа зрения и его придатков. До 53% травм глаз составляют ушибы глазного яблока. Тяжелая контузионная травма характеризуется большим количеством клинических проявлений, что приводит к формированию грубых изменений в переднем и заднем отделах глазного яблока. **Цель исследования.** Анализ повреждений органа зрения у детей Самаркандской области. **Материалы и методы.** В 2021-2022 годах в травматологическом отделении Самаркандского филиала Республиканского специализированного научно-практического центра микрохирургии глаза (РСНПЦМГ) проведен анализ медицинских документаций пациентов, пролеченных в стационаре. **Результаты и заключение.** За 2021-2022 годы в районах и городах Самаркандской области, а также в приемное отделение Самаркандского филиала РСНПЦМГ обратилось 47 612 больных с травмами глаза и придаточного аппарата, из них 4 580 (9,61 %) детей. Всего из районов и городов было направлено 48 детей, которые после полного осмотра врачом-офтальмологом поступили на стационарное лечение в Самаркандский филиал РСНПЦМГ.

Ключевые слова: повреждения глаз, офтальмотравматизм, травмы, ушибы, ожоги, профилактика.

Для цитирования:

Мадалов Н.И., Агзамова С.С. Травмы органа зрения среди детского населения Самаркандской области. – Передовая Офтальмология. – 2024;9(3):36-39.

VISUAL INJURIES AMONG THE CHILDREN OF THE SAMARKAND REGION

Madalov N.I.¹, Agzamova S.S.²

¹Ophthalmic surgeon, Samarkand branch of the Republican Specialized Scientific and Practical Center for Eye Microsurgery, Drnajimiddinmadalov@gmail.com

²DSc, Associate Professor of the Department of Ophthalmology, Tashkent State Dental Institute, sara2408@yandex.ru, +998(90)9501315, <https://orcid.org/0000-0003-3829-7762>

Annotation. Relevance. Orbital injuries occupy 13-36% of the injuries of the facial skeleton associated with damage to the organ of sight and its appendages. Up to 53% of eye injuries are eyeball contusions. A severe contusion injury is characterized by a large number of clinical manifestations, which leads to the formation of gross changes in the anterior and posterior parts of the eyeball. **Purpose of the study.** Analysis of damage to the visual organ in children of the Samarkand region. **Materials and methods.** In 2021-2022, the traumatology department of the Samarkand branch of the Republican Specialized Scientific and Practical Center for Eye Microsurgery (RSSPMC) analyzed the medical records of patients treated in the hospital. **Results and conclusion.** In 2021-2022, in the districts and cities of the Samarkand region, as well as in the admission department of the Samarkand branch of the RSSPMC, 47,612 patients with injuries of the eye and adnexa applied, of which 4,580 (9.61%) were children. In total, 48 children were sent from districts and cities, who, after a complete examination by an ophthalmologist, were admitted for inpatient treatment to the Samarkand branch of RSSPMC.

Key words: Eye injuries, ophthalmotraumatism, injuries, bruises, burns, prevention.

For citation:

Madalov N.I., Agzamova S.S., Tukhtaev B.U. Visual injuries among the children of the samarkand region. Advanced Ophthalmology. 2024; 9(3):36-39.

Долзарблиги. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотлари бўйича „..кўрув аъзоси жароҳатлари, бирламчи ногиронлик, кўрлик ва кам кўриш тизимида, глаукома ва кўздаги дегенератив ўзгаришлардан кейин учинчи ўринни эгаллайди (16-18%) [1]. Кўрув аъзоси ва унинг қўшимча қисмининг шикастланиши билан боғлиқ бўлган юз скелети жароҳатлари орасида орбита жароҳатлари 13-36% ни эгаллайди. Мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари орасида офтальмологик касалликларни эрта аниқлаш ва даволашга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...» каби вазифалар белгиланган.

Жаҳон миқёсида замонавий тиббиётнинг, хусусан, офтальмологиянинг ривожланиши соғлиқни сақлашнинг ихтисослаштирилган бўлинида кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари кесимида 2010-2019 йиллар мобайнида катта ёшдаги аҳолининг кўрув аъзосининг ёпиқ жароҳатлари (КАЁЖ) билан касалланиш ва унинг оқибатида ногиронлик кўрсаткичлари ҳолати ва динамикаси таҳлил шуни кўрсатдики, 2019 йилда КАЁЖдан умумий ва бирламчи касалланиш, мос ҳолда 100 минг аҳолига 113,76 ва 101,95 ни ташкил қилгани аниқланган. Ўзбекистон Республикасида умумий ва бирламчи ногиронлик кўрсаткичи 2019 йилда 100 минг нафар аҳолига мос равишда 1047 ва 127 ни ташкил қилган [1].

Сўнгги йилларда ўтказилган кўрув аъзоси жароҳатлари эпидемиологиясини ўрганиш шуни кўрсатадики, уларнинг сони деярли бир хил даражада қолмоқда ва улар вақтинча ёки доимий ногиронликка олиб келадиган асосий сабабдир. Кўрув аъзосининг барча жароҳатлари орасида кўз олмаси контузиялари барқарор иккинчи ўринни эгаллайди [2,3].

Кўз жароҳатларининг 53 % гача сонини кўз олмаси контузиялари ташкил этади. Оғир контузион жароҳат клиник кўринишларининг кўпчилиги билан тавсифланади, бу эса кўз олмасининг олдинги ва орқа қисмларида қўпол ўзгаришларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Клиник жиҳатдан бу 30,5% ва ундан ортиқ шох парданинг шикастланиши, 58 % гача – гифема, 49,8 % ҳолларда рангдор парданинг турли ҳил шикастланишлари, 11-77,6% ҳолларда – гавхар шикастланишлари, гемофтальм – 12,1–58 %, 4,2 % гача – тўр парданинг кўчиши ва 10 % ҳолларда унинг йиртилиши [2,4]. Болалар офтальмологиясида кўрув аъзоси жароҳатлари ўртача 23-42%ни ва кўз касалликлари билан болалар бўлимида ётиб даволанаётганларнинг 17-38 % ни ташкил этмоқда [4,5].

Ушбу турдаги кўз жароҳатларининг энг оғир асоратларидан бири бу КАЁЖларининг 9% ҳолларда учрайдиган контузиядан кейинги юзага келадиган кўз гипотонияси бўлиб, охир-оқибатда у беморларнинг 4% да кўзнинг функционал ва анатомик ўлимига олиб келиши мумкин.

Самарқанд вилояти ва Самарқанд шаҳри аҳолисига офтальмологик шошилиш тез тиббий ёрдамни Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий амалий тиббиёт маркази (РИКМИАТМ) Самарқанд филиали, Самарқанд Давлат Тиббиёт Университетининг 1-сон кўп тармоқли клиникаси кўз касалликлари бўлими, Каттақўрғон шаҳар тиббёт бирлашмаси (ШТБ),

Ургут туман тиббёт бирлашмаси ТТБ ва Нарпай ТТБ да жойлашган кўз касалликлари бўлими хизмат курсатади.

Тадқиқот мақсади. Самарқанд вилоятида болалар кўрув аъзоларида учрайдиган жароҳатларни таҳлилини ўтказиш.

Материал ва усуллар. ТҚўриш аъзолари шикастланган беморларни тез ёрдам чақирув реестрлари маълумотлари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилган беморларни амбулатор карталари ва 48 нафар беморнинг тиббий баённомаси ретроспектив таҳлил қилинди. Самарқанд вилояти тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси (ТИЭИ) ва статистик бошқармасининг ва РИКМИАТМнинг 2021 йил хисобот шакллари маълумотлари, РИКМИАТМ Самарқанд филиали жароҳатлар бўлимида 2021-2022 йилларда шифохона шароитда ётиб даволанган 47612 беморлар таҳлили ўтказилди, шунда беморларнинг 4580 нафари (9,61%)ни болалар ташкил қилган. Беморларни текширишда қуйидаги усуллар қўлланилган: визиометрия, биомикроскопия, ултра товушли текшириш.

Натижа ва таҳлиллар. Самарқанд вилояти ТИЭИнинг 2021 йил хисобот маълумотларга кўра КАЁЖ оқибатида кўришга боғлиқ (умумий) ногиронлик кўрсаткичлари 100 минг нафар аҳоли сонига 11,7% катталарни, шулардан 7,84% болаларни ташкил қилди. ЎзРССВ Республика статистик бошқармасининг маълумотларга кўра 2021 йилда республика буйича 112457 катталар ва 9124 болалар кўрув аъзосининг турли жароҳатлари билан офтальмологларга мурожаат қилган.

Туман ва шаҳар тиббиёт муассасаларидан ихтисослаштирилган даво учун, РИКМИАТМ Самарқанд филиалида стационар шароитда даволанишга ётқизилган болалар 48 нафар. Шулардан 39 (81,25%) нафари Самарқанд вилоятдан, 9 (18,75%) нафари Самарқанд шаҳридан. Жароҳат олган болаларнинг 34 (70,8%) нафари ўғил болалар, 14 (29,2%) нафари қиз болалар. Клиникага ётқизилган бемор болаларни 1 ёшдан-18 ёшгача ташкил қилади. Шу жумладан 1 ёшдан 6 ёшгача булганларни 52%и ўғил болалар-75% қиз болалар; 7-10 ёшдагилар орасида 21% ўғил бола, 12% қиз бола; 11-18 ёшлар ичида 27% ўғил бола, 13% қиз болалар. 27 (56,25%) нафар болалар уй шароитида жароҳат олган, 19 (39,6%) нафари кўчада ўйин вақтида жароҳатланишган, 2 (4,2%) нафари мактабда синфдошлари билан жанжаллашиб жароҳат олган. Жароҳатларнинг 34 (70,8%) нафари кўз олмасини ёпиқ контузиялари, 9 (18,75%) нафарида кўз олмасини тешиб ўтган жароҳатлари, 5 (10,41%) нафари кўз олмасини химик ва термик куйишлари.

Жароҳат натижасида шифохонада даволанганларни 34 нафарида кўз ёрдамчи аппаратлари ва кўз олмаси зарарланган. 5 (14,7%) нафарида конъюктива остига қон қуйилиши ва шох парда

эрозияси, 19 (55,9%) нафарида гифема, 4 (11,76%) нафарида травматик катаракта, 4 (11,76%) нафарида гемофтальм, 2 (5,9%) нафарида рангдор парда йиритилиши (иридодиализ).

9 нафарида кўз олмасини бутунлиги бузилиб, тешиб ўтган жароҳатлардан, 5 (55,55%) нафарида шох пардани тешиб ўтган жароҳати, 2 (22,22%) нафари шох парда ва склерани тешиб ўтган жароҳатлари, 2 (22,22%) нафарида склерани тешиб ўтган жароҳатлари.

Профилактикаси ва ижтимоий тиббий ахамияти. Кўрув аъзоларини куйишлари – шох парда ва кўз олмаси конъюктиваси II даражаси 4 нафар болада 5 та кўзда олинган. Кимёвий куйишда 2 та 3-4 ёшли болада сўндирилмаган оҳак тоши шох парда ва кўз олмаси конъюктиваси куйиши кўзатилган. 13 ёшли ўғил болада шох парда ва кўз олмаси конъюктиваси супер елим билан куйиш кўзатилган 4 ёшли болада кўз олмасини конъюктиваси термик куйиш кўзатилган. Филиалда ётқизилган барча болаларда даволаш диагностика стандартларига мувофиқ консерватив, медикаментоз, физиотерапевтик ва жароҳатга бирламчи ишлов бериш жарроҳлик амалиётлари малакали олиб борилган. Филиалдан уйга жавоб берилган болаларда кўришни ўтқирлигини таҳлиллари қуйидагиларни кўрсатди. Шифохона шароитида даволанган 48 нафар болалардан, 11 нафарида ёш булгани ва шох парда тўлиқ куйганлиги сабабли кўришни ўтқирлигини аниқлашнинг имкони бўлмади. Қолган 37 нафар кўздан, шулардан 17 та кўзда 0,05 ва ундан паст, 8 та кўзда 0.1-0,4. 4 та кўзда 0,5-0,8. 5 та кўзда 0.9-1.0. 3 та кўзда ёруғликни сезиш даражасида қолди.

Хулоса. Т.Самарқанд вилояти ҳудудида учраган офтальмотравматизм, болаларни кўз ва ёндош аъзолари жароҳатлари таҳлили шуни кўрсатдики. Самарқанд ҳудудида кўздан жароҳат олган болаларни ихтисослашган офтальмологик ёрдам кўрсатиб консерватив ва жарроҳлик амалиёти ўтказилишга қарамасдан, стационар шароитда даволанган болаларни бир қисмида кўриш пастлигича ёки умуман кўрмаслигича қолди (кўз олмасини оғир даражали контузияси, корнеосклерал тешиб ўтган жароҳатларида ва куйишларда). Буларни барчаси кўзнинг шикастланишлари ва уларнинг оқибатларини олдини олиш учун фаол чоралар кўриш зарурлигини тақозо этади. Маълумки, болалик даврида шаклланган кўриш органининг оғир шикастланиши, кўриш қобилятини пастлиги ва кўрликни оқибатлари кейичалик ижтимоий муаммоларни пайдо бўлишига олиб келади, касб танлашни чеклайди, жабрланувчининг ҳаёт сифатини ёмонлаштиради. Шу муносабат билан болалар офтальмотравмасини, шу жумладан Самарқанд вилоятида камайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш билан тизимли чуқур таҳлил қилиш керак.

Профилактик чора тадбирлар ўтказилган биринчи навбатда хавф таъсири ва албатта бемор ёши ҳисобга олинади. Мактабгача ёшида бўлган болалар учун энг асосийси уларнинг ота-онаси билан айнан муассаса тушунтириш ишларини олиб бориш лозим. Мактаб ёшида булган болаларга маънавий соатлари ўтилганда биринчи навбатда уйда, мактабда, кўчада, тенгдошлари билан турли хил уйинлар ўтказишганда

нималарга эътибор беришлари айниқса маиший буюмлар ва ўйинчоқлар ишлатишда эътиборлироқ бўлишликлари тушунтирилиши лозим.

Жароҳат олингандан сўнг унинг оқибатларини олдини олиш учун беморни аввало ўз вақтида ихтисослашган шифохонага малакали офтальмологик хизмат учун госпитализация қилиш лозим.

АДАБИЁТЛАР / REFERENCES

1. Агзамова СС. Ёноқ-орбита соҳасининг ҳамкорликдаги жароҳатларини ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишга тизимли ёндашув // тиб.фанлари доктори диссерт.автореф.: 14.00.33., 14.00.08/ - 2021. 63.
2. Агзамова С.С. Офтальмологическая диагностика и лечение скулоорбитальных повреждений при черепно-мозговых травмах. Вестник врача. 2021;2 (99): 8-15. <http://doi.org/10.38095/2181-466X-202199215>
3. Агзамова С.С., Хикматов М.Н. Профилактика развития травматической оптической нейропатии при травмах скулоорбитального комплекса. Вестник Ташкентской медицинской академии. 2022: 349-354. www.tma-journals.uz
4. Зеленцов КС, Зеленцов СН. Новые подходы к консервативной терапии контузии глаза. Современные технологии в офтальмологии. М. 2016;4:93-95. [Zelentsov KS, Zelentsov SN. New approaches to conservative therapy of eye contusion. Modern technologies in ophthalmology. M. 2016; 4: 93-95. (In Russia)] DOI:<https://doi.org/10.25276/2312-4911-2022-3>
5. Гундорова РА, Степанов АВ, Курбанова НФ. Современная офтальмотравматология. Медицина 2007: 256. [Gundorova RA, Stepanov AV, Kurbanova NF. Modern ophthalmotraumatology. Medicine 2007: 256. (In Russia)]
6. Stepanov AV, Alekseeva IB, Lugovkina KV, Khraltsova MA, Pavlova VV. Современные методы диагностики тяжелой контузионной травмы глаза //Точка зрения. Восток-Запад. 2011;4: 472. [Eskina EN, KarimZade HD. Modern methods of diagnosing severe contusion eye injury. Point of view. East-West. 2011;4: 472. (In Russia).] DOI: <https://10.25276/2410-1257-2018-1>.
7. Эскина ЭН, Карим Заде ХД. Эпидемиология детского офтальмотравматизма (обзор литературы). Офтальмология. 2014; 11 (4): 10-16. [Eskina EN, KarimZade HD. Epidemiology of pediatric ophthalmic trauma (literature review). Ophthalmology. 2014; 11 (4): 10-16. (In Russia).] <https://doi.org/10.18008/1816-5095-2014-2-19-26>